

# «Ўзкимёсаноат» АЖ «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этмоқда


// 22.10.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-yashil-makon-umummilli-loyihasida-faol-is>

Президентимиз томонидан илгари сурилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатишнинг самарали ечимиға айланди.

Мазкур лойиҳа доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналари томонидан мевали, манзарали дараҳт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалар экиш ҳамда экилган дараҳтларни парваришиш, қуриб қолишини олдини олиш шунингдек, томчилаб суғориш тизимини жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, тармоқ корхоналари томонидан 2024 йил баҳор ва куз мавсумларида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида жами 1,2 млн. туп, улардан 719 минг туп баҳор мавсумида ва 481 минг туп куз мавсумида экилиши режалаштирилган.



Бугунги кунга қадар баҳор (март-апрель) мавсумида тармоқ корхоналарида 167,5 гектар майдонга жами 854,5 минг туп манзарали ва мевали дараҳт ҳамда бута кўчатлари экилиб, шундан 5 гектардан ортиқ майдонда «яшил белбоғ»лар ташкил қилинди.

Албатта, ҳар қандай кўчат эътибор ва парваришни талаб этади. Бу масала ҳам ижобий ҳал этилган

бўлиб, экилган дараҳтларни парваришилаш, касалликдан сақлаш, томчилиб суғориш тизимини йўлга қўйиш бўйича масъуллар белгиланган. Айни пайтда 18,3 гектар, яъни 27,7 минг туп манзарали ва мевали дараҳт ҳамда бута кўчатлари томчилиб суғориш тизими орқали суғорилмоқда.

«Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналари томонидан жорий йил куз мавсумида жами 23 минг туп дараҳт ва бута кўчатлари экилиши режалаштирилган. Мавсум бошланганидан шу кунга қадар эса ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шароитларидан келиб чиқсан ҳолда дараҳт тури ва экиш жойлари белгиланган холда 3098 туп дараҳт ва бута кўчатлари экилди.

Мазкур хайрли лойиҳа доирасидаги ишлар фаол давом эттирилади.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**